

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 ноябр жума

Сотувда эркин нархда

№ 219 (2516)


● Пойтахтда



***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги «Бизнес олами» ўқув маркази пойтахтимиздаги ўқув-тарбия муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган.***

## Долзарб мавзуга бағишланди

Яқинда мазкур марказ Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда пойтахт мактаблари директорларининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида семинар кенгаши ўтказди.

«Гиёҳвандлик нима ва унга қарши кураш тадбирлари» мавзусида ўтказилган ушбу анжуманда кўплаб мутахассислар сўзга чиқдилар. Кенгаш мунозараларга бой бўлди. Унда, БМТнинг ЮНИСЕФ — болалар фондининг мамлакатимиз олимлари билан ҳамкорликда чоп этилган гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олишга ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва бурчларига доир илмий рисолалари, ўқув қўлланмалари анжуман иштирокчиларига тақдим этилди.

Йиғилиш сўнгида «Бизнес олами» ўқув маркази ҳамкорлари иштирокида пойтахт мактабларида юқоридаги мавзуларга доир ўқув-тренинг семинарлари ўтказишни режалаштириб олди.

***«SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи»***



# Она билан ободдир кўнгил

***Дунёда аёл учун оналик мартабасига эришишдек бахт бўлмаса керак. Фарзанд учун эса она меҳридан-да буюк қудрат йўқ. Балки, шу боис ҳам «Меҳрибонлик уйи»да яшовчи болакайларнинг кўнгиллари синиқ, жовдираб боқувчи дардли нигоҳлари ҳамиша нимагадир, кимгадир интиқ. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида «SOS — Болалар маҳалласи»нинг қуриб битказилиши эса ана шундай бағри кемтик болаларни она меҳри, ўн икки нафар аёлни эса оналик мартабасига эришишига сабаб бўлди.***

***Гап шундаки, 1998 йилда мамлакатимиз ҳукумати ва «SOS — Kinderdorf International» халқаро жамияти ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи» уюшмаси ташкил қилинган эди.***

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

SOS маҳалласида асосан етим болалар тарбияланади. Бу ерда уларга ота-она бағрида яшаётган болалар каби шароит яратиб берилади. Ҳозирда ҳар бири саккиз-ўн нафар болани тарбиялаш учун мўлжалланган ўн тўртта коттеж қуриб битказилди. Ўн икки нафар аёл танлов асосида оналикка қабул қилинди. Жорий йилнинг январ ойида бошланган «SOS — Болалар маҳалласи» қисқа вақт мобайнида қуриб битказилди. Шу давр оралиғида танлов ғолиблари бўлган «она»лар эса маълум тайёргарлик курсини ўтадилар. Оналикнинг асосий шарти — аёллар бутун ҳаётини болалар тарбиясига бағишлашга тайёр бўлишлари керак.

— Ўн уч йил турмуш ўртоғим билан бирга яшадик. Бироқ, фарзанд кўрмадик, — дейди навоийлик Зиёдахон Ҳодихўжаева. — Она бўлишни қанчалик орзу қилганимни билсангиз эди. Танловда қатнашиб, ғолиб бўлдим. Икки қизли — Умидахон, Саидахонли бўлдим. Мен болаларимга бутун меҳримни бераман.

— Мен фарзандидан воз кечган, уни «Меҳрибонлик уйлари»га ташлаб кетадиган аёлларни тушунолмайман, — дейди паркентлик Майсара Ражабова. У ҳам икки фарзандли бўлди. Муроджони олти ойлик бўлса, Саодати уч ёш.

Хуллас, ўн икки аёл оналик мартабасига эришди. Йигирма тўрт полопон эса она меҳридан баҳраманд бўладиган бўлди. Олти нафар аёл бўлғуси она-лар-холалар танлови ғолиби бўлишди.

— Мақсадимиз, жаҳоннинг барча болаларини она бағрида, бахтибеҡам кўриш, — дейди «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи» қурилиши бош директори жаноб Вильфрид Шикс. — Токи, жамиятимизда кўнгли шикасталар бўлмасин.

Ҳадемай, «SOS — Болалар маҳалласи» жойлашган беш гектарлик майдон, коттеж, боғча ва ўйингоҳлар бахтли болажонларнинг шўх-шодон қийқириқларига тўлиб кетиши, шубҳасиз. Ва, уларга Зиёдахон, Майсарахон, Санобару Умидахон сингари онажонлар парвона бўлишади. Бу эса «Соғлом авлод йили»да болажону онажонларга муносиб туҳфа бўлди.



**СУРАТЛАРДА: «SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи»дан лавҳалар; қурилиш бош директори жаноб В.Шикс ва қурилиш бошлиғи Т.Марко.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

● Кеча суд залида

## Жабрланувчилар кўрсатма беришди

«Қаҳрамон акам билан турмуш қурганимизга бор-йўғи беш йил бўлган эди. Ёлғиз фарзандимиз жону диллари эди. Ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган қизимизни еру кўкка ишонмасди. Ҳаттоки у киши билан Замирамизнинг келажаги ҳақида соатлаб ширин хаёллар сурар эдик. Чет элда ўқиса, элнинг кўзига кўринган одам бўлса, дердилар. Бироқ Сурхон тоғларида отилган ўқ сабаб, у кишининг орзу-ҳавaслари хаёллигича қолиб кетди».

Фарғоналик жабрланувчи Зуҳра Мадаминованинг чуқур қайғу билан айтган ушбу сўзларидан сўнг Олий суд зали сукунатга чўмди. Эндигина 25 ёшга тўлган Зуҳра марҳум турмуш ўртоғи Қаҳрамон Мамадалиев ҳақида гапирар экан кўз ёшларини тийиб туролмади. У бу гаплари билан чинакам қаҳрамонга ўзининг муносиб аёл эканини намоён қилаётганини эҳтимол ўзи билмас.

Кеча ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан бошланган суд мажлисида асосан Узун ва Сариосиё туманларида бўлган жанглардан жабр кўрганлар кўрсатма берди.

— Ўғлим Маъруфжонга ҳарбий либос қуйиб қўйгандек ярашар эди, — дейди булунғурлик жабрланувчи Аҳмад Ражапов. — Ҳар гал уни бағримга босганимда дунёнинг бойлиги оёғим остида қоларди. Аммо қувончим ярим экан. Дарвозадан шундай чиқсам, кўча адоғида қабристон кўриниб туради. Ўғлигинамни ўша ерда ётганлигига чидолмай кетаман. Э, кўп орзу-ҳавасларим бор эди.

— Ўғлим Алишерни охирги бор 28 июлда кўрган эдим, — дейди яна бир жабрланувчи Нортожи ая Салимова. — Ўшанда 8 ёшли укаси Долернинг туғилган кунини нишонлаб, «Онажоним, энди яхши қолинг, тезда қайтаман» дея уйдан чиқиб кетди. Аммо...

Кўриб турганингиздек, фарзанди, эри, укасидан жудо бўлган, хонадонлари мотамхонага айланган бундай одамларнинг сўзларида ваҳшийликларнинг бевосита иштирокчилари ва раҳнамоларига қарши халқимизнинг қаҳру ғазаби, ўкинч ва алами мужассам. Улар бундай мудҳиш жиноятга қўл урганларни дуоибад қилиб, суддан олий жазони қўллашни сўрамоқдалар.

Ҳа, Сурхон тоғларида отилган шафқатсиз ўқлар ўн икки нафар мард йигитнинг фақат жисмини орамиздан олиб кетди, холос. Жисми кетгани билан бу йигитларнинг номи аллақачон миллионлаб юртдошларимизнинг юракларига кўчган. Юрагимиз уриб турар экан, демак, улар ҳам ҳеч қачон ўлмайдилар. Аммо халқ ҳеч қачон қаҳрамонликни унутмагани каби, хиёнатни ҳам кечирмайди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг***
***ҚАРОРИ***

# Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

***Қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Белгилансинки, 2001-2007 йиллар мобайнида, эксперимент тариқасида, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси корхоналари томонидан, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси (тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси) машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги коопертивлари (ширкатлар)га ва фермер хўжаликларига уларни қуйидаги шартларда 7 йил муддатга лизингга бериш йўли билан етказиб берилади;

тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 15 фоизи аванс сифатида машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва фермер хўжаликлари томонидан ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 85 фоизи «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб юритилади) қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига маблағ билан таъминланади.

2. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясига қуйидаги функциялар юклансин:

«Ўзагромашсервис» уюшмаси машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва фермер хўжаликларининг «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси корхоналарида ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш юзасидан берилган буюртмаларини умумлаштириш;

Жамғарманинг кафолат хатлари билан тасдиқланган молиявий манбалар асосида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси корхоналарида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш юзасидан буюртмаларни жойлаштириш;

жойлаштирилган буюртмаларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида авансларда тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш;

лизинг шартномалари тузиш ва қишлоқ хўжалиги техникасини машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги кооперативларига ва фермер хўжаликларига лизингга бериш;

лизинг шартномалари бўйича тўловларнинг ўз вақтида тушишини назорат қилиш.

3. Қуйидагилар «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг:

«Пахта-банк» — компаниянинг барча ҳисоб-китобларига молиявий хизмат кўрсатиш, лизинг олувчилар билан тузилган лизинг шартномалари бўйича, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган етказиб бериш шартномалари бўйича тўловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилиш вазифаларини бажарувчи молия агенти этиб;

«Ўзагросуғурта» компанияси — лизингга берилаётган техникани суғурталаш вазифаларини бажарувчи суғурта агенти этиб белгилансин.

4. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси корхоналари томонидан, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби тасдиқлансин.

5. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» лизинг компанияси машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) ва фермер хўжаликлари билан лизинг шартномалари тузишда:

лизинг олувчиларга техникани фақат лизингнинг бутун даври учун олинаётган техника бўйича мулкий таваккалчиликлар суғурта полиси мавжуд бўлгандагина беришни;

лизинг компания даромади (маржаси)нинг имтиёзли ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслигини;

лизинг муддати 7 йилдан иборат бўлишини назарда тутсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

лизингга олинган қишлоқ хўжалиги техникасининг бузилишида айбдор бўлган лизинг олувчилар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган даражада жавоб берадилар;

машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмаси, муқобил машина-трактор парки, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер хўжалиги томонидан жадвалда назарда тутилган лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Пахта-банк» лизинг эгасининг ҳисоб рақамига сўзсиз бажарилиши керак бўлган тўлов талабномалари қўяди.

7. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси умумдавлат ва маҳаллий солиқларни тўлашдан беш йил муддатга озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар қишлоққа қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб беришни маблағ билан таъминлаш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилсин.

8. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси билан биргаликда икки ой муддатда барча вилоятлар марказларида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси филиаллари очилишини таъминласин.

9.«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ижро этувчи аппаратининг тузилмасига ва унинг ходимлари чекланган сонининг (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 20 кишидан иборат бўлишига розилик берилсин.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси бошқаруви раиси мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича — вазирга, раис ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси аппаратини жойлаштириш масаласини бир ой муддатда ҳал этсин.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясини зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

11. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари билан биргаликда холдинг компания корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин. Мазкур чора-тадбирлар:

турар жой ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси корхоналари балансидан маҳаллий ҳокимият органларига берилишини;

фойдаланилмаётган асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар сотилиши ёки консервация қилинишини ўз ичига олади.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 172-сон қарорининг 1 ва 2-бандларидаги «2000 йилда» сўзлари «2000-2005 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сон қарорига 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 2 ноябр.

# Мамлакатимизда

*Янгиликлар, воқеалар, фактлар*

## 35 миллион сўм

*Жиззах вилоятида «Соғлом муҳит — соғлом келажак гарови» шиори остида ўтказилган шанбаликдан шунча маблағ тушди. Бу маблағ табиатни муҳофаза қилиш ҳамда экологик вазият ёмонлашган минтақалардаги аҳоли соғлиғини тиклаш мақсадларига йўналтирилиши белгилаб қўйилди.*

*Халқаро «Экосан» хайрия жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган оммавий тадбирда қатнашган 260 минг ишчи-хизматчи кучи билан 10 минг метр ҳажмидаги ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Турар-жой атрофлари 10 минг тоннага яқин чиқиндидан тозаланди. Кўча ва хиёбонларда кўплаб бўёқ ва оқлаш ишлари бажарилди.*

## Маҳсулот сифатига гап йўқ

*Мактаб ўқувчилари учун замонавий сумкалар, халтачалар, пахта қабул қилиш шохобчалари учун брезент ёпқичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги аср ҳисобига маҳсулот тайёрлай бошлади.*

*Режадаги 88 ўрнига 110 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхона муваффақиятига Лобархон Солиева, Тўлғаной Маматаминова, Озодахон Олимова сингари тикувчилар салмоқли улуш қўшдилар. Энг муҳими, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига гап йўқ.*

## «Пахтакор» ворислари

*Чортоқ туманидаги 6-ўрта мактабда футболга ихтисослашган махсус синф ташкил этилди. Зокир Шарипов мураббийлик қилаётган ушбу синфга йигирма беш нафар иқтидорли ўқувчилар саралаб олинган. Улар таълим дастури асосидаги машғулотлар қаторида спорт билан ҳам мунтазам шуғулланадилар. Спортнинг, хусусан, футболнинг сир-асрорларини пухта ўрганадилар. Ажабмаски, чортоқлик ёш футболчилар келгусида жаҳон спорт мусобақаларида юртимиз байроғини янада баланд кўтарсалар.*

## Қишлоқда сут заводи

*Фарғона туманидаги Бобур номли масъулияти чекланган жамиятга қарашли кичик сут заводи маҳсулот бера бошлади.*

*Бу ерга республика "Барака-лизинг" компанияси томонидан харид қилинган Исроил давлати "Марав" фирмасининг замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилди. Мазкур цех бир суткада икки тонна сутни қайта ишлаб, ундан етти турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга.*

*Хорижий инвестиция натижасида бунёд этилган янги корхона ишга тушгач, ўндан ортиқ қишлоқ ёшлари иш ўринлари билан таъминланди. Янги сут заводи қўл меҳнатининг камлиги, иш сифати ва ҳажмининг юқорилиги билан бошқа турдош корхоналардан ажралиб туради.*




# Курраи заминда

*Янгиликлар, воқеалар, фактлар*

## Бош ассамблея маъқуллади

*БМТ Бош ассамблеяси Югославия Иттифоқ Республикасининг мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлишини маъқуллади. Шундай қилиб, БМТга аъзо бўлган мамлакатлар сони190 тага етди. Бош ассамблеянинг мазкур қароридан сўнг БМТ биноси олдида Югославия байроғи кўтарилди.*

## Европадан ёрдам кутилмоқда

*Европа Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнида фаолроқ иштирок этади. Мазкур минтақа давлатлари бўйлаб беш кунлик сафардан қайтиб келган Германия канцлери Герҳард Шрёдер шундай деди. Унинг айтишича, Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ва Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Европа Яқин Шарқда барқарорлик ўрнатишга янада кўпроқ ҳисса қўшишини кутмоқда. Бу ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорликда кўриниши керак, деди Г.Шрёдер.*

## Ўзга кема бошпана бўлди

*Шри-Ланка ҳарбий қўмондонлиги вакилининг маълум қилишича, Россиянинг "Утес" савдо кемаси Тамил айирмачилари томонидан маълум муддат ушлаб турилган.*

*Ҳукуматнинг ҳарбий денгиз қўриқчилари томонидан таъқиб қилинаётган Тамил жангариларига қарашли қайиқлар зарар кўргандан кейин улар Россияга тегишли кемага чиқиб олган. Ҳукумат денгиз қўриқчилари кема экипажига зарар келтирмаслик мақсадида кемага қарата ўт очмаган. Жангарилар таъқибдан қутилишга муваффақ бўлгач, кемани тарк этган. Кеманинг 22 нафардан иборат экипажи соғ-саломат.*

## Касб маҳорати бўйича текширув

*Ангола ҳукуматининг маълум қилишича, мамлакатда хизмат қилаётган хорижий учувчилар бундан кейин касб маҳорати бўйича махсус текширувдан ўтади. Ангола авиакомпаниясига қарашли самолётларнинг тез-тез ҳалокатга учраётгани сабабли шундай қарорга келинди. Ўтган чоршанба куни ҳам Ан-26 русумли йўловчи самолёт ҳалокатга учраган эди. Рўй берган мудҳиш воқеа натижасида барча йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳалок бўлди.*

## «Аср вабоси»га қарши

*Ливия пойтахти Триполида Шимолий Африкада ОИТС муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Анжуманда Жазоир, Миср, Ливия, Марокаш, Судан ва Тунисдан келган вакиллар "аср вабоси"га қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш масалаларини муҳокама этмоқда.*

*Маълумотларга қараганда, ҳозиргача 12 миллион африкалик шу касалликнинг қурбони бўлган.*

## Самолётлар сотилади

*Молдова мудофаа вазири Борис Гамурар собиқ иттифоқ армияси бўлингандан кейин мамлакат тасарруфида қолган олтита МиГ-29 қирувчи самолёти сотилишини маълум қилди.*

*Гарчи бир неча мамлакат мазкур самолётларни сотиб олиш ниятида эканини билдирган бўлса-да, савдо амалга ошмагунга қадар уларнинг номи сир тутилади, деди у.*

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз**

Вилоятлар йўкламаси

# ИСЛОҲОТ ИМТИҲОН ҚИЛАДИ

Йил якуни яқин: иқтисодий шарҳ

*Яна саноқли кунлардан кейин 2000 йил ҳам ниҳоясига етади. Мустақилликнинг ўнинчи йилига қадам қўйган Ўзбекистон халқи XX асрнинг сўнгги йилини иқтисодиётнинг муҳим соҳалари ва тармоқларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун тинч-осойишта меҳнат қилган ҳолда кутиб олмоқда.*

*Жорий йилни кўнгилдагидек якунлаш учун босиб ўтган йўлга баҳо бериш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш, амалга оширилган ишларга танқидий назар ташлаш муҳимдир. Шу кунларда мамлакатимизнинг барча минтақаларида йилнинг ўтган даврида қўлга киритилган кўрсаткичлар тарози палласига қўйилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. «Халқ сўзи» ана шу анъанага риоя қилиб, вилоятлар йўкламасини ўтказишни маъқул кўрди. Албатта, бу йўкламада иқтисодиётнинг барча қирраларини тўлиқ қамраб олиш имкони йўқ. Аммо бу шарҳ вилоятларимизнинг бугунги салоҳияти, ишга солинмаган имкониятлари ҳақида фикр юритишга озиқ берса, мақсадимизга эришган бўлур эдик.*

## Ютуқ бор, камчилик ҳам етарли...

• ЖИЗЗАХ

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Асримиз сўнгги йилининг ўн ойи ҳам ўтди. Якунларга кўра, вилоятдаги ишлар, меҳнат жамоаларининг тўққиз ойлик фаолиятлари натижаларидан айрим хулосалар чиқарса бўлади.

Рости, республика Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишдан сўнг вилоятда асосий эътибор иқтисодиётни юксалтириш масалаларига қаратилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш олдидаги тўсиқлар, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларига ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш кундалик юмушга айланди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, айнан шу масалалар бўйича ҳар бир туман, шаҳар ҳокимликларида махсус тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Натижада вилоятда 9 ой мобайнида кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун берилган кредитлар миқдори 1 миллиард 872 миллион сўмдан ошиб кетди. Унинг 530 миллион сўмини микрокредитлар ташкил этди.

Вилоятдаги 175 та акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси салкам 4 миллиард сўмга етганлиги, акциялар сони 12 миллиондан ошганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Ана шундай ижобий юмушлар эвазига саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 132,4 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам деярли шунчага кўпайди.

Қурилишда барча молия манбалари ҳисобидан 12 миллиард 27 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Шу ўринда Жиззах шаҳридаги қурилишлар ҳақида гапирмаслик адолатдан бўлмас. Вилоят маркази йилдан-йилга чирой очмоқда. Жорий йилнинг биргина 3-чорагида «Тез тиббий ёрдам» мажмуи, Олимпиадачилар захираси спорт мактаби, кўплаб турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани таҳсинга лойиқдир. Бахмал, Ғаллаорол туманларида ишга туширилган замонавий коллежларда эса бугунги кунда юзлаб ўқувчилар таҳсил олмоқдалар.

Вилоятнинг жуда кўплаб экин майдонлари шўрланган эди. Бундай экинзорлар ҳолатини яхшилаш бўйича тадбир ишлаб чиқилгани, шу асосда ҳозиргача 2005 гектар ер қайта таъмирланиб, 1541 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланганини бу борадаги дастлабки қадамлар десак бўлади. Бундан ташқари 9 ойда 333 гектар янги ер ўзлаштирилди.

Аммо айрим саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тўпланиб қолаётгани ташвишланарли ҳолдир. Шу кунларда 2 миллиард 80 миллион сўмлик маҳсулот омборларда эгаларини кутмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги қарорига биноан, вилоятда 9 қишлоқни ичимлик суви, 20 қишлоқни эса табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган эди. Аммо Дўстлик туманидаги Янгиобод қишлоғига ичимлик суви, 10 та қишлоққа табиий газ ўтказилмади.

Арнасой, Ғаллаорол, Зомин туманларида жами 8 та қишлоқда даволаниш пунктларининг ҳалигача қуриб битказилмагани сабабини ҳам изоҳлаш қийин.

Бундай чала қурилишлар ҳақида мутасадди раҳбарлар билан суҳбатлашсангиз, улар қурилиш материаллари танқислигини рўкач қиладилар. Аммо ўтган даврда вилоят қурилиш ташкилотлари томонидан Оҳангарон ва Навоий цемент заводларидан 420 тонна цемент олинмаганига нима дейсиз?

Демоқчимизки, кўплаб жамоаларда шартномаларга амал қилинмаётганлиги қурилишлар суръати ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

## Дадил ҳаракат зарур

• САМАРҚАНД

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳа, йил якунигина эмас, асримиз якуни ҳам яқин. Демак, янги минг йиллик сари қадам ташлаётган ҳар бир киши ўзини ўзи сарҳисоб қилиши, ўзини ўзи сўроққа тутиши табиий. Бугун самарқандликлар ҳам айнан шу руҳда яшамоқдалар.

Ўтган 9 ойда вилоят иқтисодиётининг аксарият соҳаларида ўсиш таъминланди. Қишлоқ хўжалиги, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайди. Қурилишда инвестициялар ҳажми қарийб 3 фоизга ошди. 3,6 миллиард сўмлик чет эл сармоялари ўзлаштирилди.

Вилоятда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, 17 та қишлоқ врачлик пункти, 2002 ўринли умумтаълим мактаблари, 680 минг квадрат метр уй-жой, 198,6 километрлик сув, 435 километрлик газ узатиш тармоқлари, кўплаб маданий-маиший иншоотлар барпо этилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ўзаро тўлов интизомига қатъий риоя этилиши молиявий аҳволни яхшилаш, иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш имконини берди. Нақд пул танқислигига барҳам берилиши эса пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақларининг вақтида тўланишига йўл очди.

Лекин вилоятда барча тармоқларда ҳам белгиланган вазифалар уддаланди, деб бўлмайди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,1 фоизга камайди. Аниқроғи, 126 та асосий саноат корхонасидан 26 тасида 1,4 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. «Алпомиш» ҳиссадорлик жамияти, «Лифтсозлик заводи» акционерлик жамияти, сигарета фабрикаси, «Ширин» ижара корхонасида ана шундай салбий ҳолатлар кузатилди.

Бозорни яхши ўрганмасдан маҳсулот ишлаб чиқариш кечаги кундан қолган яроқсиз иш услубидир. Афсуски, Самарқанднинг айрим саноат корхоналарида ҳанузгача бунга барҳам берилмаган. Омборлардаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи 12,8 миллиард сўмликни ташкил этгани фикримизнинг далили бўла олади.

Иқтисодий салоҳиятнинг ошиши кўп жиҳатдан ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, экспорт ҳажмини кўпайтиришга боғлиқ. Шу боис самарқандликлар экспортнинг импортдан устунлигини таъминлашни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйишган. Амалда бунга эришиш учун жиддий ҳаракат қилинаяпти. Вилоятда ўтган тўққиз ойда ташқи савдо айланмаси 165,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 85,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот хорижга чиқарилди.

Вилоятда ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда 2000-2005 йилларда 33 та қўшма корхона ишга туширилиши, уларнинг 90 фоизи маҳаллий хомашё ҳисобига фаолият кўрсатиши лозим. Ҳозирги кунда эса 121 та қўшма корхона мавжуд. Аммо уларнинг 26 таси хомашё ва маблағ йўқлиги сабаб вақтинча ишламай турибди.

Қисқаси, тўққиз ойлик сарҳисоб вилоятда эришилаётган ютуқлар қаторида анчагина нуқсонлар ҳам борлигини кўрсатаяпти. Йил охиригача ҳаракат қилинса, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин. Бунинг учун имкониятлар етарлидир.

## Вазифалар залвори

• СИРДАРЁ

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини тўққиз ойлик якунлари бўйича умуман қониқарли, деб баҳолаш мумкин. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврдагидан 101,3 фоиз ўсиб, 40046,9 миллион сўмликни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ҳажми 118,6 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 115,2 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 133 фоизга кўпайди. Энг сезиларли ўсиш чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рўй бериб, у 160 фоиздан ошди.

Капитал қўйилмалар, пудрат ишлари ҳажми, чакана товар айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш сумма ҳисобида ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан деярли ўсмади. Ҳатто маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 92,3 фоизни ташкил этди. Айни вақтда маҳаллий бюджет даромади 145 фоизга ўсгани ҳолда, унинг харажати 158 фоизга етди. Мана шу далилнинг ўзи ҳам нарх-наво ўсиб бораётган шароитда бир қанча соҳаларда аҳвол қониқарли эмаслигини кўрсатиб турибди.

Ташқи савдо айланмаси вилоятда январ — август ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баравар ортди. Жумладан, экспорт ҳажми 2,3 баравар, импорт 1,3 баравар кўпайди.

Кичик ва ўрта бизнес соҳаларида фойда олиш ўтган йилга нисбатан ошди. Айниқса, ўрта бизнес корхоналари Гулистон (38,1фоиз), Янгиер (9,6 фоиз) ва Ширин (9,5 фоиз) шаҳарларида, Сирдарё (23,6 фоиз) ва Сайхунобод (12,5 фоиз) туманларида кўпроқ фойда ола бошлади. Айни вақтда зарар кўриб ишлаётган корхоналар ҳам бор. Бу миқдор 340647 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори ҳам камайгани йўқ.

Вилоятда истеъмол бозори барқарор бўлиб турибди. Бу борадаги кўрсаткич амалдаги нархларда 1,5 баравар ўсгани ҳолда, чоғиштирма нархларда деярли ўсиш бўлмаганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Аҳоли бандлиги ҳамон муаммолигича қолмоқда. Саноатда ишловчилар сони қисқармоқда. Номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида ишловчилар сони ўсмоқда. Айниқса, қишлоқда аҳолини иш билан банд этиш аҳволи яхшиланмади. Жами ишсизларнинг 64,5 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Умуман олганда, вилоятда ишсизлар сони сезиларли даражада камайди. Бу, албатта, яхши ҳолатдир.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш бугунги кунда вилоят халқ хўжалиги тармоқлари ходимлари фаолиятининг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда. Тўққиз ойлик якунлари кўрсатиб турибдики, бу вазифа осон эмас, лекин уни уддалаш шарт.



***Ислом КАРИМОВ:***
***Ватанимиз ва халқимиз фаровонлиги... белгиланган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда барчамизнинг изчиллигимиз ва қатъиятлигимизга боғлиқдир.***



## Ваъда билан иш битмас

• СУРХОНДАРЁ

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Статистик маълумотларга назар солсангиз, Сурхондарёда одамлар турмуши тобора фаровонлашиб бораётганини кўрасиз. 1999 йилда, масалан, ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 7,5 минг сўмга тўғри келган бўлса, шу йилнинг тўққиз ойида 9569 сўмни ташкил этди. Шу даврда аҳоли жон бошига пул даромадлари 43,8 минг сўмга етди.

Одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳукуматимиз белгилаб берган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Аҳолига савдо, пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш рақамлари ўсди. Ун, макарон, ўсимлик мойи, тухум савдоси ўтган йилга нисбатан кўпайгани кузатилди.

Воҳа одамлари бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, бу жабҳада изланувчанлик ва қатъият кўрсата билишни ҳам ўрганиб бормоқдалар. Деновдаги «Дунё» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти аҳли ўз куч-имкониятларини ишга солиб, корхонада хориж технологиясини ўрнатди, уруғлик дон ишлаб чиқариш заводини қурди. Олтинсойликлар беш йилдан буён тақа-тақ тўхтаб ётган мева-сабзавот қуритиш заводини ишга туширдилар. Италия технологияси билан жиҳозланган бу корхона эндиликда тўла қувват билан ишламоқда. Жарқўрғон туманида эса туркияликлар билан ҳамкорликда «Алпомиш» деб аталган қўшма корхона қурилди. Янги корхонада кунига 100 тоннагача дон қайта ишланмоқда.

Қўшма корхоналар ҳақида икки оғиз сўз. Бундан уч-тўрт йил аввал вилоятда 45-50 та қўшма корхона рўйхатга олинган эди. Ҳозир 25 тага тушиб қолган. Шулардан 4 таси ишламайди. 9 ойда вилоятда 25805,8 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг 1205,6 миллион сўмлиги қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бу, юқори кўрсаткич эмас, албатта. Вилоятнинг 14 туманидан 6 тасида — Ангор, Бойсун, Бандихон, Олтинсой, Узун, Шерободда ҳалигача қўшма корхоналар барпо этилмаган.

Вилоятда 9 ой мобайнида аҳоли жон бошига 9945 сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бу борада анча ўсишга эришилди. Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг атиги 6,2 фоизини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этишини ҳисобга олсак, буни ҳам ижобий ҳолат деб айтиб бўлмайди. Гўшт, колбаса, сосиска, сариёғ эса бошқа вилоятлардан, Тошкент шаҳридан ташиб келтирилмоқда. Нима, бу ерда чорва йўқми? Шу йил 1 октябр ҳолатига кўра, Сурхондарёда 450 минг бош қорамол, бир миллиард 28 минг бош қўй борлиги ҳисобга олинган. Кўриниб турибдики, чорва бор. Гўшт-сутни қайта ишлайдиган қувватлар ҳам бор. Лекин ўша қувватлардан мутлақо фойдаланилмаяпти. Вилоятда, шунингдек, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш бўйича қабул қилинган Давлат дастури асосида 9 ойда 165 километрлик сув қувурлари, 226 километрлик табиий газ қувурлари тармоғи қурилди.

Вилоят ҳокимлиги камчиликларни такрорламаслик, хўжалик йилини имкон борича самарали якунлаш учун тегишли раҳбарлардан ижро интизомини мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни талаб этмоқда. Келгусида ислоҳотларни чуқурлаштиришга замин яратиш вазифаси қўйилмоқда. Замин, табиийки, қуруқ режа ёки ваъдалар билан эмас, балки фидойиларча меҳнат қилиш, пешона терини тўкиш билан яратилади.

## Муаммолар ечими муҳим

• ХОРАЗМ

**Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Воҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, саноатдаги ривожланиш натижалари кўзга яққол ташланаяпти.

Амалдаги йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,9 фоиз ўсди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12,8 фоиз кўпайди. Ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш баробарида маҳсулот сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, вилоятнинг саккизта корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайишига йўл қўйилди. Жами саноат корхоналари омборларида эса 2501,5 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар сотилмасдан йиғилиб қолди.

Бугунги кунда вилоятда тайёрланаётган сархил шарбатлар, пойабзал ҳамда чарм маҳсулотлари чет элларда ҳам харидоргир. Бу ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш имкониятларидан дарак беради. Лекин тўққиз ойда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 68,4 фоизни ташкил этди. Рўйхатга олинган қўшма корхоналарнинг барчаси ҳам фаолият кўрсатмаётганлиги, айримлари эса хорижга маҳсулот чиқариш учун тезкор чора-тадбирлар кўрмаётгани бунга сабаб бўлди.

Вилоятда тўққиз ой давомида 2345 та кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бу борадаги топшириқлар бажарилди. Хусусийлаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан пул тушуми ҳам сезиларли даражада ортди.

Аммо акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиш вазифалари тўла бажарилмади. Айниқса, Хива, Ҳазорасп туманлари ва Урганч шаҳрида бу борада жиддий нуқсонлар мавжуд.

Вилоятда халқ хўжалиги тармоқларидан олинган фойда миқдори кескин ортганлигига қарамасдан, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро тўловларидаги аҳвол ташвиш туғдиради. Қарзларнинг катта қисми Урганч шаҳри, шунингдек, Ҳазорасп, Урганч, Янгиариқ ва Қўшкўпир туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Капитал қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам салмоқли. Қурувчиларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли янги коллеж, таълия-тарбия масканлари, хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилди. 476,9 минг квадрат метр турар жой, 152 километрлик ичимлик сув ҳамда салкам 100 километрлик газ тармоқлари ишга туширилди.

Транспорт соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, темир йўл транспортида йўловчи ва юк ташиш ҳажми анча ортди. Шу билан бирга, автомобиль транспортида юк ҳамда йўловчилар айланмаси ҳажмини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Вилоятда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми анча ўсди. Бунда хусусий тадбиркорлар улуши 55 фоиздан зиёдни ташкил этди. Маиший хизмат ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Вилоятда ўтган тўққиз ойда 20919 янги ишчи ўрни очилди. Шундан 15705 таси қишлоқ жойларига тўғри келади. Аммо ҳали бир қатор туманларда бу масала кўнгилдагидек ҳал этилмаяпти. Айниқса, Янгибозор ва Қўшкўпир туманларида аҳвол ачинарлидир.

## 70 та корхона — инвестиция ҳисобига

• ФАРҒОНА

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

Йил бошида Юртбошимиз адолатли равишда фарғоналиклар шаънига аччиқ гапларни айтиб, вилоятда чет эл сармояларини жалб қилиш, қўшма корхоналар барпо этиш борасида камчиликларга йўл қўйилаётганини танқид қилган эди. Бу танбеҳ ориятли юрт кишиларини уйқудан уйғотиб юборди. Вилоятда чет эл сармояларини жалб этишга алоҳида эътибор берилди. Фақат шу йилнинг ўзида хорижий сармоя ҳисобига 14 та корхона бунёд этишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди. Улардан 5 таси ўз фаолиятини бошлаб юборган бўлса, 4 тасида эса сўнгги пардозлик ишлари ниҳоясига етказиляпти.

Айни кунларда вилоятда чет эл сармояси ҳисобига фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 70 тага етди. Бу корхоналарнинг 39 тасида бевосита дунё бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларда тўққиз ой мобайнида 11 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Хўш, бу озми ёки кўп? Очиғи, ана шу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги натижадан 2,2 марта кўпдир. Энг муҳими, бу корхоналарда ишловчилар сони 4000 кишига етиб қолди. Биргина Тошлоқ туманидаги «ДЭУ текстайл компани» корхонасида 1540 дан зиёд киши ишламоқда. Қўшма корхоналарнинг вилоят экспортидаги улуши эса 18,3 фоизни ташкил этмоқда.

Хорижий сармояларнинг вилоят иқтисодиётига тобора тез кириб бориши ўз навбатида ташқи иқтисодий алоқалар ривожида муҳим рол ўйнаяпти. Тўққиз ой мобайнида 186 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилингани, Фарғона тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижий мамлакатлардан ҳам буюртмалар келаётгани шундан далолат беради.

Вилоятда, шунингдек, 9 ой мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,6 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми 9,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 13,8 фоизга, пуллик хизматлар 11,7 фоизга ортганлиги ҳам қувонарлидир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни ҳам изчил ва бир маромда давом эттириляпти. Ҳозир вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 39,7 фоизи, халқ истеъмол молларининг 61,9 фоизи нодавлат корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бозор иқтисодиётининг темир қонунларига бардош бера олмаётган, эскича, ибтидоий қолипда ишлаш усулидан воз кечмаган корхоналар ўз-ўзидан аравадан тушиб қолаяпти. Масалан, рақобатга бардош бера олмаган 17 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Бундай корхоналар ҳисобига салкам 180 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Лекин бир нарса кишида умид уйғотади: фарғоналиклар нафақат асримизнинг сўнгги йилини, балки янги минг йилликни муносиб кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўз самарасини беришига ишонамиз.

«Халқ сўзи» саҳифаларида вилоятлар йўкламаси давом этади

● Мулоҳаза

# ҲАҚИҚАТ — ХАЛҚ ҚАЛБИДАДИР...

## «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» рисоласи билан танишганда кўнгилда туғилган ўйлар

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

Ҳар куни тонгда ишга шошаман. Идоранинг одатий юмушларини охирлатиш жараёнида кун ҳам ниҳояланади. Яна эрталабки шитоб билан уй томон ошиқаман. Бетиним такрорланиб тургувчи бу ҳолат бир куни менга ғайритабиий туюлади. Сўнг ўйлаб қоламан: мен каби ишга бориб келаётган юзлаб, минглаб одамлар қандай ўй-хаёллар билан юришибди? Кундалик тирикчилик ташвишларидан кўра ўзгачароқ мақсадлари борми? Агар уларнинг ҳар биттасини тўхтатиб, «Сиз нима учун яшаяпсиз?» деб сўралса, қандай жавоб олиш мумкин? Ҳар ҳолда аксарияти «Бола-чақанинг камолини кўриш учун» дейиши аниқ. Аслида бу жуда улуғ ният. Чунки болалар эртаси — юрт эртаси билан боғлиқ. Чинакам камолотга етган фарзандлар ўз Ватанининг келажагини яратишади. Бунинг учун болаларни яхши муҳитда, соғлом ва зиёли қилиб тарбиялаш керак бўлади. Лекин ўйлаб қаранг, бола зиёли киши бўлиб етишсаю, унинг юрагида юртга фидойилик туйғуси шаклланмаса?! Шундай мавзуларда миллий ғоя бизга қанчалик зарурлиги аён бўлди. Ахир болалар — оёққа тураётган улуғ миллат. Хўш, бу жажжи миллат қандай фикрлаяпти, қандай орзу-хаёллар билан илгарилаяпти? Янаям очиғи,, биз катталар уларнинг қалбига қандай ҳис-туйғуларни жо этмоқдамиз? **Аждодларимизга хос бўлган жамики инсоний фазилатларни уларнинг тану жонига узата олаяпмизми?!**

Уч-тўртта болакайнинг кўп қаватли уй деворларига мих билан алланималар чизаётганини кўриб қолган кекса бир киши уларни тўхтатиб, қаттиқ танбеҳ беради:

— Ўз уйларингнинг деворини нега чизиб тирнаяпсизлар? Уят эмасми, ўғилларим?!

Шунда болаларнинг новчароғи секингина дейди:

— Бу бизнинг уй эмас, амаки.

Ана холос! Демак, ўз уйинг бўлмаса бас, бошқаларнинг уйлари олдида ҳар қандай номақбул ишларни бажаравериш мумкин эканда. «Ўзимизники» деган сўзнинг асл моҳиятини болаларимизга тушунтиролаяпмизми, биз? «Шу она замин, шу мусаффо осмон, шу кенг борлиқ, шу азиз тупроқдаги ҳар чўпу хас ҳам ўзимизники, уларни кўз қорачиғингдек асра!» деган сўзни айтоляпмизми, уларга?! Юрт ҳақида ўйлаш, юрт ишига фидойилик, юртни эъзозлаб асрашдек улуғ тушунчаларни жажжи авлод онгига муҳрламасдан туриб, улардан юртпарвар инсонлар чиқишини орзулаб бўлармикин?!

Хизмат сафари билан Жиззахга борганимда исми ўзимга адаш бўлган бир аёл ҳақида эшитиб қолдим. У бир неча йиллар муқаддам Зоминдаги 7-мактабга директор этиб тайинланади. Ёш директор қарасаки, мактаб учун бир неча хил жиҳозлар етишмайди. Ўқувчилар ўтиб-қайтадиган йўлакка қўйиладиган тошойна, танаффус чоғлари болаларга зарур бўладиган девор соати, синфга ёруғлик киришига тўсқинлик қилмайдиган оппоқ, ҳарир дарпардалар... Шунда у ўзининг илк маошига шартта шу нарсаларни сотиб олади! Тасаввур қилинг, бошқа ўқитувчилар дастлаб бунга ажабланишади. «Янги директоримиз ғалати экан-а?», деб ўйлашади. Лекин, уларнинг аксарияти ич-ичидан фикр юритади: «Унинг ўрнида мен бўлганимда шу ишни қила олармидим?» Ҳамма гап ана шунда! «Шу нарсага озгина ҳисса қўшсам, кўнглим таскин топади-ку» деган тушунчалар билан яшашга одатланишимиз керак ҳар биримиз.

Яқинда кекса ҳамкасбларимиздан бири суҳбат орасида ўз кечинмаларини сўзлай кетди:

— Қарилик нафақасига чиққанимни билишгач, қишлоғимиз кексалари ўз давраларига таклиф этишди. Улар билан гоҳ чойхонага, гоҳ тўй-маъракаларга, йўқловларга борардим. Чиройли тузатилган дастурхон, гаштли суҳбат, менинг шахсимга билдирилган иззату ҳурмат... Бир қарашда бундан зўри топилмайди. Лекин, менга нимадир етишмаётгандек туюлаверарди. Ахийри, ўша давралардан зерикдим, очиқроғи, кўнглимдаги «бўшлиқ» ҳеч тўлмади. Сўнг яна ўз соҳамга — қайноқ меҳнат қучоғига қайтдим. Кейин ўйлаб қарасам, иш, изланиш ва ижод аллақачон ҳаётий заруратга айланиб қолган экан. Бошқача яшолмас эканман! Демак, шундайин бир хулосани айтмоқ палласи келди. Ўз тақдиримизни юрт тақдири билан боғлаб яшаш ҳаётий заруратга айланмас экан, биз лоқайдлик гирдобидан чиқиб кетолмаймиз. Арасту айтганидек, «яхши ёки ёмон бўлмоқ — ўз ихтиёримиздадур!»

Улуғ аждодларимизнинг яшаш тарзига назар ташласак, улар ҳаёт кечиришнинг оддий усулларини танлашганини кўрамиз. Ҳалол меҳнат қилиб, камтарона яшаганлар улар. Зўр бериб бойлик йиғиш ўрнига зўр бериб ақл тўплаш, ана шу ғоялар билан қалбни юксалтириш... Қай бири афзал? Қай бири маъқул? Қай бири кучли? Тарихий ёзувларда келтирилишича, кунлардан бир кун Наполеон суҳбатдошига шундай деган экан: «Мени ҳаммадан кўра ҳайратга соладиган нарса зўравонликнинг яратувчиликка қодир эмаслиги! Дунёда икки ҳоким бор — қилич ва ақл-идрок. Охир-оқибатда ҳар доим ақл-идрок қилич устидан ғалаба қозонади!» Энди ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг...

Истиқлол ғоялари, мустақиллик берган имкониятлар ҳақида кўп сўзлаймиз, расмий суҳбатларда бу сўзларни кўп бора тилга оламиз. **Аслида истиқлол ғоялари — миллий ғояларимиз. Миллий муҳит, миллий маънавият, миллий тарбия, ҳамма-ҳаммаси... Кишиларимизнинг қандай маънавият эгаси экани, қай муҳитни афзал билиши ва қай тарзда яшаши миллий ғояларимиз асосини белгилайди.** Мустақиллик берган имконлар туфайли ўзини кашф эта олиш ҳам қалбларимиздаги миллий ҳис-туйғуларимизга бориб тақалади. **Негаки, миллат шаъни, обрўсини ўз шахсий манфаатларидан устунроқ қўйган кишигина шу имкониятлардан ҳалол фойдаланади, ўзини юзага чиқаради.** Бу ўринда кўпинча одамларни турли тоифаларга ажратиб ўрганганмиз. Шаҳар одамлари, қишлоқ одамлари... Яъни, бизнингча, шаҳарликлар зиёли, қишлоқликлар эса эскичароқ, содда, оми... Аслида гап бизнинг зиёли ё деҳқон эканлигимизда эмас. Ҳамма гап ботинимиздаги оламнинг ранго-ранглиги, орзу ўйларнинг баландлиги, мақсадларнинг юксаклигида!

Байрам арафасида бир уста деҳқондан телемухбир «Мустақиллик сизга нима берди?», деб сўради. Шунда деҳқон бирмунча вақт жим бўлиб қолди. «Сизнинг бугунги ютуқларингиз истиқлолимиз шарофатидан, шундай эмасми?» деди телемухбир. «Ҳа, шундай», — маъқуллади деҳқон бош силкиб. Сўнг ўзининг кўрсаткичларини бирма-бир айтиб ўтди. Оддий ва жўнгина суҳбат... Деҳқон нимани ўйлаяпти, қандай яшаяпти, нима учун меҳнат қилаяпти, деҳқончиликнинг эртасини қай тарзда тасаввурлайди, муаммолар ечимини топмоқ учун қандай тажрибалардан фойдаланаяпти, бу қоронғулигича қолди. Аслида шу деҳқоннинг юрагида гап кўп. У оми эмас, уста деҳқон. Ахир шунча ютуқларни қўлга киритиш учун у нафақат жисмоний куч, балки анча-мунча тафаккурни ҳам сарфлагандир! Бу ҳақда билишимиз учун биз деҳқонни турғазиб қўйиб эмас, ўз даврасида, ўз муҳитида, табиий ҳолати, табиий кайфиятида саволга тутишимиз даркор. Баъзан, қишлоқ деҳқонларининг даврасидаги табиий суҳбатларни зимдан тингласангиз, у суҳбатларнинг ҳар бири каттакон асарларга мавзу бериши мумкин. Ўзини кашф этаётган деҳқон ўз сўзини айта олиши керак бу кун. Биз қай касб эгаси, қай ернинг кишиси бўлсак-да, ягона миллатмиз. Фикр-ўйимиз, эзгу амалларимиз, мақсадларимиз шу миллат манфаатларига хизмат қилиши жоиз. Юртимиз эртаси фидойилигимиз, ҳушёрлигимиз ва аниқ мақсад йўлида ташлаётган қадамларимизда кўринади. Президентимиз анча илгарироқ «Известия» газетаси мухбири саволларига жавоб бера туриб «Биз четга сурилиб, чалғиб сузиб юрадиган музтоғ эмасмиз. Бизнинг ўз кемамиз, унинг елкани, бошқариладиган рули бор. Белгиланган йўл ҳам аниқ» деган эдилар. Шундай экан, миллатнинг ташвишу муаммолари ҳар биримизнинг муаммо ва ташвишимизга, очиқроғи тақдиримизга айланмоғи керак.

# «Жейнов» дунё кезади



*Қашқадарёда «Жейнов» ширкат хўжалигини билмаган одам топилмайди. Қарши чўлининг жанубий этаги ҳудудидаги Усмон Юсупов туманида жойлашган ушбу хўжалик вилоятдаги илғор жамоалар сирасига киради. Хўжаликда кўплаб маданий-маиший иншоотлар мавжуд. Айни пайтда бу ерда Исроил давлати билан ҳамкорликда сутни қайта ишлайдиган корхона қурилмоқда. Шунингдек, Италиянинг «Stale» фирмаси билан томат пастаси ишлаб чиқарадиган ва мевани қуритадиган корхоналар барпо этиш ҳаракати мавжуд.*

*Ажаб эмас, келгуси йил хўжалик боғбонлари етиштирган мева-сабзавотлар қуритилиб, сўнг қадоқланиб «Жейнов» тамғаси билан жаҳон кезса.*

**СУРАТДА: боғбон қиз Сабоҳат Равшанова кечки узумларни узмоқда.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Автомобил йўллари мажмуи истиқболи

Тошкент автомобил йўллари институтида Марказий Осиёда автомобил йўллари мажмуини ривожлантириш ва унинг самарали фаолияти муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Россиянинг амалиётчи мутахассислари ва олимлари иштирок этди. Улар автоқурилиш ва ҳаракатланувчи таркибнинг конструкторлик ишланмалари истиқболларини, минтақанинг иссиқ иқлим шароитида ундан фойдаланиш усулларини кўриб чиқди. Шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланишнинг, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида юк ташишнинг иқтисодий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Коммуникация хўжалигининг қурилиши ва уни "Марказий Осиё - Европа - Жанубий денгизлар акваторияси" ҳудудида фойдаланишга топшириш масалалари ҳамда олий мактабнинг автомобил ва автомобил йўллари соҳаси учун кадрлар тайёрлаш муаммосига ҳам эътибор берилди.

**(ЎзА мухбири).**

# МИРСОДИҚ ОТАНИНГ БОҒИ

Лавҳа

**Рўзимат ДАМИНОВ, Тошкент вилояти.**

Қибрай туманидаги Май қишлоғи қўшни Қозоғистоннинг чексиз адирларига туташиб кетган. Олтин куз сепини ёйган чоғлари бу ер файзу тароватга бурканиб, ажиб бир манзара касб этади. Бундай кезларда Мирсодиқ ота қўйларини ёйиб хаёл суришни яхши кўради. Ана шундай кунлардан бирида калласига бир ўй келди.Янтоқзорлардан иборат қўриқ ерда бир боғ яратса қандай бўларкин? Худога шукр ҳали куч-ғайрати бор.

Орадан икки-уч кун ўтгач, жамоа хўжалиги раисига кўнглини ёрди.

- Мени кексайиб қолган, деб ўйламанг, айни билагим кучга тўлган палла. Қўриқ ердан 5 гектар ер ажратиб берсангиз.Уни ўзлаштириб, бир боғ яратсам дегандим.

Раис кекса деҳқоннинг юракдан айтган сўзларидан қувонди:

— Жуда яхши ўйлабсиз. Марҳамат, эртаданоқ киришинг бу савоб ишга. Керак бўлса,техника ва ўғитдан кўмаклашамиз.

Бу гапларни эшитиб отанинг боши осмонга етди.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деб бежиз айтилмаган. Беш нафар азамат ўғли отанинг ёнига кирди. Енгил-елпи юмушларга невералари қарашди. Баланд-паст ерлар текисланиб, олма, анжир, анор, узум, шафтоли кўчатлари ўтқазилди. Қақраб ётган ер оқар сувдан қониб, яшнаб кетди. Экилган ниҳоллар биринчи йилиёқ илдиз олиб, дуркун ривожланди. Бўлажак боғнинг атрофида иҳотазор ташкил қилинди, дарахтлар ўртасига шийпон қурилди. Кўчатлар оралиғига буғдой экилди. Яхши парвариш туфайли ҳосил мўл бўлди. Қарийб 4 тонна ғалла олиниб, унинг 3 тоннаси давлатга сотилди.

Бугун Мирсодиқ ота яратган боғни кўздан кечирсангиз, бахри дилингиз очилади. Инсон қўли гул эканлигига яна бир бор иқрор бўласиз. Ғарқ пишган олмаю олхўри, узумларни кўриб қойил қоласиз.

- Асли деҳқон оиласиданман, - дейди Мирсодиқ ота. - Псқом қишлоғида 28 гектарлик мевазор боғимиз бўларди. Қизил империя даврида отам, амакиларим ер-мулк эгалари сифатида қатағон қилиниб, отиб ташланган. 12 ёшимда касалманд онам, гўдак укаларим билан жонимизни сақлаб қолиш учун аввал Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида, сўнг Андижон қишлоқларида, Мирзачўлда ризқимизни териб юрдик. Туз-насиба экан. Охири айлана-айлана мана шу қишлоққа келиб ўрнашдик.

Мирсодиқ ота Мирсултонов билан шийпондаги суҳбатимиз узоқ давом этди. Қадимий қўриқ ўрнида барпо этилган ям-яшил боғ эса денгиздек чайқалиб, дилларга ажиб завқ ва сурур бахш этарди.

● Истиқлолнинг ҳузурбахш насими

# Чўғ аланга олажак

**Қизим бозорнинг олд пойабзалини танлаб, кийиб кўрди. Чиройли, бежирим. Гапнинг рости, хориждан келтирилаётган бу хилдаги оёқ кийимларининг умри қисқа бўлади. Бунинг устига, нархи лабга учуқ тоширади.**

**Қизим бир менга, бир сотувчига қаради.**

**— Олтинкўлдаги қўшма корхонада тайёрланган, ўзимизнинг маҳсулотимиз, — кўнгилдан кечаётганни уқиб тургандай, хуштакаллуф қилди сотувчи. — Пишиқ, бунинг устига, арзон.**

**Қизим бир эмас, икки жуфт пойабзал олди. Ўшанда ҳам пулимиз ортиб қолди.**

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**

**«Халқ сўзи» мухбири.**

— Истиқлол туфайли чекка қишлоқларда ҳам ҳаваслanса арзигулик корхоналар яратилди, — тўлиб-тошиб ҳикоя қилади туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Фазлиддин Расулов. — Тўққиз йил нарида бу каби иншоотларнинг тикланишини ким ҳам хаёлига келтирибди дейсиз?

— Мустақиллик байрами арафасида иш бошлаган корхонамизда эркак ва аёллар, болалар учун ўн беш турдаги оёқ кийимлари тайёрланмоқда, — дейди Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ҳисобчиси Икромжон Ёқубов. — Авваллари бу хилдаги пойабзаллар Туркия, Хитой, Эрондан келтирилар эди. Корхонамиз ишга тушгач, Ўзбекистон тамғаси битилган маҳсулотлар ички бозорга дадил кириб борди. Ва хориждан олиб келинаётган турдош маҳслуотларни сиқиб чиқара бошлади.

Ҳа, Мустақилликнинг зафарли қадами, ҳузурбахш насими бутун мамлакатда бўлгани каби Андижоннинг Кўмакай қишлоғини ҳам ўзгартириб юборди. Кўплар назаридан йироқда қолган Кўмакай бугун хушбўй атри чор атрофни тутган гуллар оғушида. Куни кеча асфальт ётқизилган кенг ва равон йўллар сизни қишлоқ ичкариси томон олиб боради. Ўтган куни эса бу ерга асов отдай пишқирганича қатор-қатор вагонларни тортқилаб поезд кириб келди.

Гап-сўзлари ўктам, кайфияти чоғлиги шундоқ юзкўзларидан билиниб турган қишлоқ ёшлари мустақиллик қалдирғочларидир. Аксарияти мактабни битирибоқ, кетмонни елкага ташлаганча ўзини далага уришдан бошқа иложи қолмаган йигит-қизлар эндиликда замонавий касбларга кўникма ҳосил қилди. «Ақлли» дастгоҳларни ўз измига бўйсундиришдек «сир»ларни ўрганди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

— Биз — бахтли ёшлармиз, — дейди косиб Шоира. — Бу бекамликни, хоналари кенг, ёруғ цехларда меҳнат қилишни, «ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган» маҳсулот тайёрлашни истиқлол шарофати деб биламан. Мендан ташқари, яна етмиш ҳамқишлоғим қўшма корхонада меҳнат қиляпти. Ойликларимиз ҳам чакки эмас.

Дастгоҳлар гуриллаётган хоналардан ўтиб иккинчи қаватга кўтариламиз. Тўптўп ёшлар қолипдан чиққан пойабзалга пардоз бермоқда. Яна бир гуруҳи эса тайёр маҳсулотни бозорга чиқариш тараддудида.

— Садағаси кетсанг арзийди истиқлолнинг, — ҳаммани оғзига қаратади Шерзод. — Бир вақтлар сонда бор-у, сифатда ҳаминқадар қурилган Андижон, Пойтуғ, Тўрткўлдаги баҳайбат пойабзал фабрикалари бугун замон талабига жавоб беролмай қолганидан хабаримиз бор. Уларнинг айримларида иш тўхтаган. Агар ана шу корхоналар ҳам бизникидек истиқболли бўлганида борми...

Ёшларнинг ўй-режалари, саъй-ҳаракатлари ўзгача. Омбор учун маҳсулот тайёрлашмайди. Нима қилиб бўлса-да, кунни кеч қилиш пайидан бўлмайди. Аксинча, корхонаси шаънини ўз шаъни деб билади. Бозор талабларини ўрганиб, хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Кўмакайликлар ана шу йўлдан бормоқдалар. Кичик ва ўрта бизнес салоҳияти, имконияти нималарга қодирлигини исботламоқдалар.

Биз корхонада бўлганимизда тикув машиналарини моҳирона бошқараётган чеварларни учратдик.

— Кўмакайлик ёшлар пойабзалдан ташқари чақалоқларга кийим-кечаклар ҳам тикмоқда, — деди Ф. Расулов. — Яқинда буёқ цехи ҳам иш бошлади. Янги корхона 120 йигит-қизни ўз бағрига олди. Газламага гул босадиган дастгоҳлар Туркиядан олиб келинди.

Қўшма корхона ёнида яна бир маҳобатли саноат гиганти қад ростлади. Бу корхона Андижон ва Олтинкўл туманлари хўжаликларида етиштирилган ғаллани қабул қилиб олади. Дон шу ерда сараланади, қопланади ва дориланиб мамлакатнинг турли бурчакларига юборилади.

— Корхонамиз атиги олти ойда қуриб битказилди, — ҳикоя қилади унинг раҳбари Қобилжон Жакбаров. — Умумий сиғими — қирқ минг тонналик бу йилги мавсумда 16 минг тонна ғаллани қабул қилиб олдик.

Шу кунларда корхонада бўлсангиз, ишчиларни қайноқ меҳнат устида учратасиз. Буғдойнинг «Уманка», «Крошка» навлари Германиядан келтирилган қудратли механизмлар ёрдамида сараланмоқда. Ҳозиргача ўн минг тоннадан зиёд уруғлик Сурхондарё вилояти хўжаликларига юборилди.

— Қаранг, — дейди ҳокимнинг биринчи муовини. — Олтинкўлликлар яқинда яна бир совға олди. Қўштепада «Олтиндери» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси қуриб битказилди. Корхона ҳозирча 350 нафар ёш мутахассис ишламоқда. Маҳаллий ёшлар йилига 45 минг дона эркак ва аёллар курткасини ишлаб чиқарадилар.

Олтинкўлликлар трикотаж фабрикаси негизида Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси очишни ҳам режалаштиришган. Мазкур корхонада жиҳозлаш, созлаш ишлари қизғин олиб борилаётир.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Туман хўжаликларида тайёрланган сутни қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси ҳам ҳадемай иш бошлайди.

«Андижон-Наманган» магистрал йўлининг ёқасида 900 ўқувчига мўлжалланган саноат касб-ҳунар коллежи биноси янги ўқув йили арафасида ўқувчи ёшларга тортиқ қилинди. 50 дан ортиқ ўқув хоналари, 6 та катта ҳажмли ўқув-лаборатория устахонаси, 15 та маъмурий хонани ўз ичига олган уч қаватли бу бино мамлакат ўқув даргоҳлари орасида энг йиригидир. Ўқув биноси атрофида 1,2 гектарлик гулзор барпо этилди. 4,5 минг квадрат метр жойга темир-бетон йўлакчалар ётқизилди. Иккита фаввора ўтган-кетганнинг эътиборини тортади. Юзлаб ёритувчи чироқлар шодаси юлдузлар чаманини эслатади. Коллеж 400 ўринли ошхонага, ўн минг нусхадаги китоблар жамланган кутубхонага, улкан спорт залига эга. Маҳобатли, гўзал бу иншоот Олтинкўл чиройига-чирой, улуғворлик бағишламоқда. Аҳолининг катта қисми ҳовли тўйларини ўтказди. Бир неча хонадонларга «зангори олов» кириб келди.

Умидлар куртак ёзмоқда. Ишонч чуқур илдиз отаётир. Ўша ишонч ва муҳаббат ҳар бир киши қалбига яратиш, бунёд этиш чўғини ташламоқда. Ана шу чўғнинг қанчалар аланга олишини бутун ҳудуди қурилиш майдонига айланган олтинкўлликлар, вилоят меҳнат аҳли, жуда яхши билади.

ҚУЛАЙЛИКНИ ҲИС ЭТИНГ

UCD MICROS

Space CLASS

МЕТАЛЛОПЛАСТИКДАН ЭШИК ВА РОМ ТИЗИМЛАРИ

NEW

СИФАТ ВА МУСТАҲКАМЛИКНИ АФЗАЛ КЎРАДИГАНЛАР УЧУН

Чегирмаларнинг қулай усуллари

Немисча сифат кафолати

UCD Group Тел.: 132-07-21, 132-07-14 Манзил: С.Азимов к.,72а. E-mail: okna@ucd.uz http://www.ucd.uz

3413

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва ботаника боғининг жамоаси лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор Рисқали Шоёқубовга отаси

**Шоёқуб ота ШОРАҲМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон телевидениеси ижодий жамоаси «Маънавият» бош муҳарририяти муҳаррири Носир Эркабоевга отаси

**Набижон ЭРКАБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Онаси йўқлигини билдирмади.

• Китоблар оламида

# ЭЗГУЛИКДАН НУРЛАНГАН ЛАВҲАЛАР

**Михли САФАРОВ**

Қадрли муштарийлар! Сиз таниқли журналист ва адиб Исмоил Сулаймоновнинг публицистик мақолаларидан таркиб топган «Ўзбек пўлати», «Машинасозлар», «Эл отаси эди» номли, шунингдек сўнгги йилларда яратган бир тарихий қисса ва ўнлаб ҳикояларини ўз ичига олган «Шаҳзода ва канизак» номли китобларини, ҳойнаҳой, ўқигансиз. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти матбуотимизнинг ана шу заҳматкаши қаламига мансуб «Замондошларим» деб аталган янги китобни босмадан чиқарди. Бу — эсдаликлар китоби. Исмоил акадан ушбу китобни табиий равишда кутсак бўларди. Негаки, муаллиф ўзининг 70 йиллик умри давомида кўпгина шоирлар ва ёзувчилар, давлат арбоблари ва олимлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг шахсияти ва фаолияти билан яқиндан таниш. Бу учрашувлар унинг қалбида чуқур из қолдирган.




«Замондошларим» китоби ана шу таассуротлар манбаида туғилган. Ушбу асарнинг туғилишига яна бир муҳим «сабаб» ҳам бор эди. Исмоил ака «қиёмат қарз» деган иборани тез-тез тилга оладилар. Бу иборанинг маъносини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта. «Замондошларим» китобининг муаллифи «қиёмат қарз» тушунчасини ажойиб инсонлар олдидаги бурчдорлик рамзи сифатида ҳис қилади ва ушбу китоб мисолида у ана шу бурчини анча гўзал адо этган.

Халқимиз адабиётимизнинг машҳур намояндалари Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Зулфияхонимларни севади ва ҳамиша ардоқлайди. Ана шу улуғ сўз санъаткорлари сиймосини Исмоил Сулаймонов ҳам қаламга олади. Айтиш мумкинки, ҳақли равишда, ўзининг шахсий кечинмалари, мулоқотлардан олган таассуротлари орқали қаламга олади. Бу лавҳаларда улуғ адибларнинг инсоний дунёси янги чизиқларда намоён бўлади.

Китобдан улуғ Ойбекнинг турмуш ўртоғи, атоқли кимёгар олим ва адиб меросининг заршуноси Зарифа Саидносирова, яна бир буюк олим ва ажойиб инсон Ҳамид Сулаймоннинг турмуш ўртоғи, ўзи ҳам машҳур олима Фозила Сулаймонова тўғрисидаги лавҳаларни ҳам бир ўқинг. Ҳам муаллифга, ҳам бу оқила, донишманд аёлларга тан берасиз.

«Замондошларим» китобидан заҳматкаш шарқшунос олим, миллий илм-фанимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Убайдулла Каримовнинг шахсияти ва илмий фаолияти тўғрисидаги лавҳа ўрин олган. Бу лавҳа ҳам мароқли ва маърифий қимматли. Булардан ташқари, элимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидов, матбуотимизнинг атоқли намояндалари Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, юрт ривожига самарали ҳисса қўшган раҳбар ва ташкилотчилардан бири Бектош Раҳимов тўғрисидаги лавҳалар ҳам қизиқиш билан ўқилади. Айни пайтда китобда муаллифнинг ўзи билан узоқ йиллар бақамти ҳамкорлик қилган бир гуруҳ ажойиб журналистлар тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади.

«Замондошларим»да ўнлаб бадиалар бор. Уларни битта эзгу маънавий ғоя бирлаштириб туради. Буни муаллифнинг ўзи китоб сўнгида шундай ифодалайди: «Дили нурга тўла, эътиқоди ва имони мустаҳкам, саховатли, марҳаматли кишилар бор экан, ҳаёт деб аталмиш ғалваларга бой бу дунё ўз жозибасини йўқотмагай!».

Ана шу жозиба «Замондошларим» китобининг ички дунёсини ҳам нурлантириб турибди. Китоб ана шу нури билан мафтункор ва қадрлидир.




## Туя қандай чўккан?

Афанди қозилик қилаётган пайтда олдига икки туякаш жанжаллашиб келишибди. Улардан биринчиси шундай дебди:

— Биз иккимиз бир туя сотиб олдик. Мен бунинг учун ўн тилла бердим, шеригим эса ўттиз тилла тўлади. Бир неча йил давомида шу туяда бировларнинг юкларини ташиб бериб юрдик. Менга топилган пулнинг чораги етар у эса тўртдан уч қисмини оларди. Шундай бўлса-да, ҳамма нарса жойида эди. Мана энди туямиз дарёдан кечиб ўтишда, сувга ғарқ бўлди. Шеригим мендан ўз чиқимини қоплашни талаб қилмоқда.

— Ҳа, ҳа — қичқирибди иккинчиси мен ахир туя учун ўттиз тилла тўлаганман. У менга ўн тилла тўласа бас, ҳеч қандай норозиликка ўрин қолмайди.

— Ахир, — дебди биринчи туякаш, — мен ҳамма вақт ташилган юк учун уч марта кам ҳақ олиб келганман. Уч марта кўп тўлаган бўлсанг, меникидан уч марта кўпроқ ҳақ олгансан-ку.

Уларнинг баҳси тугамабди. Шунда Афанди савол берибди.

— Туя сувга чўкканида устида юк бормиди?

— Йўқ, туя юксиз эди, — дейишибди иккиси ҳам.

— Демак, — дебди Афанди, — туя юкнинг оғирлигидан эмас, ўз оғирлигидан чўккан. Туя вазнининг тўртдан уч қисми эса уни сотиб олишга ўттиз тилла тўлаганники.

Афанди иккинчи туякаш ўзининг шеригига ўн тилла тўлаши ҳақида ҳукм чиқарибди.

**Сотим АВАЗ, тайёрлади.**

• Хоҳ ишонинг, хоҳ...

# Бир ўқ билан беш қуённи урасиз

***Қандай қилиб дейсизми? Унда «Қорақалпоқкоммундренаж» бошқармаси бошлиғи Рустам Давлатовнинг қуйидаги ҳикоясига қулоқ тутинг.***

— Бугунги раҳбар ишбилармон бўлиши, узоқни кўра билиши кераклиги кундек равшан. Янами, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиши, соҳада, умуман, мамлакатда... дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиши зарур. Албатта, бундай кенг доирани бирданига қамраб олишда кўмаклашиш учун унга яқин дўст, мушоҳадали, тўғри йўлга бошловчи маслаҳатчи лозим. Мен шундай қадрдонни топганимга, адашмасам, саккиз ё тўққиз йил бўлди. Ким экан у дейсизми? Айтсам ишонмайсиз: «Халқ сўзи» газетаси.

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар ривожи, унинг сабоқлари, қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал ёки маиший хизмат тизимида жорий этилаётган янги технологиялар, тажрибалардан айнан шу дўстим бохабар қилиб туради. Ва, улар менга ўз фаолиятимни ташкил этишда жуда катта ёрдам беради. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, Президент Фармонлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг тўлиқ матни эълон қилинадиган ўзбек тилидаги ягона газета ҳам айнан «Халқ сўзи»дир.

Кўриб турганингиздек, қадрдонимга обуна бўлиш орқали, халқона гапирганда (сал қўполроқ бўлса ҳам), бир ўқ билан икки қуённи уриб юрибман. Дарвоқе, беш ёки олти қуённи ҳам уриш мумкин экан. Кеча уйимизда юз берган ҳолатдан сўнг шунга амин бўлдим.

Бир пиёла чой устида телевизор томоша қилиб ўтиргандим. Мактабда ўқийдиган қизим нимадир сўрамоқчидай ёнимга келди. Ўзиям тарих, адабиёт фанларини ётиб олиб ўқийди-да.

— Дада, тарихда халқимиз озодлиги, миллатимиз шаъни учун курашган жуда кўп зотлар ўтган. Улар ҳақида янги маълумотлар чоп этилган китоблар керак менга. Кутубхонага борсам, ҳеч нарса тополмадим.

— Широқ, Тўмарис, Мангуберди, Темур Малик кабиларни айтаяпсан-да, қизим.

— Албатта.

— Ана, «Халқ сўзи»ни кузатиб бор. «Миллат шаъни фидойилари» рукни остида сен сўраган маълумотлар бериб борилаяпти.

— Йўғ-э.

— Ҳа-да, оппоқ қизим.

— Дада, менга берган ваъдангизни бажармадингиз-ку, — тиқилинч қилади ўғлим. Уям мактабда ўқийди. Каратэми ё таэквондо тўгаракларига қатнайди. Спорт оламининг ашаддий шайдоси.

— Қанақа ваъда экан, болам?

— Спорт юлдузлари ҳақидаги шов-шувлар, футбол бўйича чемпионлар лигаси, умуман, турли мусобақалардан хабардор этувчи доимий манба топиб бераман дегандингиз.

— Олиб келиб қўйибман-ку.

— Қани?

— Мана, «Халқ сўзи»нинг «Спорт қитъаси дараклари», «Юлдузлар ва шов-шувлар», «Майдон, маҳорат, матонат» рукнларини ўқиб борсанг, ҳамма саволларингга жавоб топасан.

Телевидение орқали намойиш этилаётган турли сериаллар уй бекаларини ўзига жалб этгани бор гап. Жумладан, келинингизни ҳам. У қайси сериал соат нечада бўлишини аниқ билишни истайди ва ишга кетишимда «қистириб» қўяди:

— Дадаси, кейинги ҳафтанинг «программа»сини олиб келишни эсдан чиқарманг.

— «Программа»ни почтачи амаки олиб келади, хўпми? Чунки «Халқ сўзи»га обуна бўлганман.

— «Халқ сўзи»нгизда «программа» берилмайди. Мана, ўзингиз кўринг.

— Эй, қанақа хотинсан, бу газетанинг чоршанба сони-ку. «Халқ сўзи» ҳар куни чиқади. Теледастурлар шанба сонида бериб борилади.

Ишга кетаётиб хаёлга толдим. Қизиқ, газетани бир назарда ўқиб қўяверар эканману, ундан шунчалик катта маънавий бойлик олаётганимни тасаввур қилмас эканман. Тўхта, кейинги йилга обуна бўлмадим-ку, ҳали.

— Почтага кириб ўтамиз, — дедим ҳайдовчига.

Тасодифни қаранг, кираверишда шоир дўстим Мансур Аҳмадни кўриб қолдим ва «беш қуён уриш» ҳақида гапириб бердим. У эса жилмайиб, шундай деди:

— Бўлмаса сизга олтинчисини ҳам айтиб қўяй. «Халқ сўзи»да бизга ўхшаган ёш шоирларнинг шеърлари, ҳажвиялар, пародиялар, кичик ҳикоялар, донишмандлар ҳикматлари, ичакузди латифалар, бошқотирма-ю жумбоқлар ҳам босилади.

— Юринг бўлмаса, обуна бўлиб чиқайлик.

— Бу борада сиздан сал олдинлаб кетибман, «хафа» бўлмайсиз энди...

**Озод БЕК оққа кўчирди.**




*Изоҳни ҳожати йўқ.*

**А. ҲАКИМОВ чизган расм.**

# Мойли дарахт



Бу дарахт тўғрисида эшитганмисиз? Бўлмаса эшитинг! Унинг номи зайтун бўлиб, Испания, Италия, Франция, Греция, Туркия, Сурия, Ливан, Фаластин, Миср, Жазоир, Марокаш каби мамлакатларда ўсади. Ёғ унинг хом ёки етилган мевасидан сиқиб олинади.

Тарихдан шу нарса маълумки, зайтун дарахтидан ёғ олиш тахминан 2500 йил муқаддам Мисрда кашф этилган. Бироқ фиръавн Набуходоноссор даврида зайтундан ёғ олиш технологияси умуман сир тутилган. Кимки, бу сирни ошкор қилса, ўлим жазосига маҳкум этилган ва сирдан воқиф бўлган мамлакат устига қўшин тортилган.

Ўша даврда бу ўсимликка шунчалар сажда қилинганки, қилич кўтариб келган ёвга қарши ерли аҳоли қилич эмас, балки зайтун шохларини кўтариб чиқишган: «Бизнинг бошимизни эмас, инсонни тўйдирадиган мана бу муқаддас дарахтни кес! Шу кесилса, биз қуриймиз» дейишган. Ўшандан буён зайтун тинчлик рамзига айланган.

• Жумбоқ



***Иккита бир хил челакка лиммо-лим қилиб сув қуйилган. Уларнинг бирида ёғоч бўлаги сузиб юрибди. Айтингчи, бу челаклар тарозига қўйилса, уларнинг қайси бири оғирроқ чиқади?***

Фақат асосли жавоблар ҳисобга олинади. 136-35-60 рақамли телефонга тез ва тўғри жавоб йўллаганлар исми шарифини кейинги сонларда маълум қиламиз.

* * *

**Кечаги сондаги жумбоқнинг жавоби:**

Бунинг учун нинага ёғ суриш керак. Ёғли нина сув билан ҳўлланмайди. Шу сабабдан сув сиртининг таранглик кучи уни сув юзида кўтариб туради.

Бу ҳақда Шаҳрисабздан Фахриддин Қодиров биринчи бўлиб қўнғироқ қилди.

**Ҳикмат**

*Нон пишгунча кулча куяди.*

...ЯРМИ ЧИН

*Альпинистлик анжомларимни сотаман, ногиронлик аравачасини сотиб оламан.*

* * *



*Йигирма биринчи асрда одамлар ёлғон гапирмайдилар, ўғирлик қилмайдилар, қотилликка қўл урмайдилар. Улар учун бу юмушларни машиналар бажаришади.*




экономическое обозрение

"Экономическое обозрение" журналига обуна бўлинг ва сиз қуйидагиларга эга бўласиз:

ОММАВИЙ журналга - тиражи қисқа вақт ичида 5 баробар ўсган;

ТАНИЛГАН журналга - уни нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ўқишади;

МУНТАЗАМ чоп этиладиган журналга - 2001 йилдан бошлаб у ҳар ой нашрдан чиқади;

ҚИЗИҚАРЛИ журналга - у нафақат раҳбар ва иқтисодчилар, ишбилармон ва тадбиркорлар, аспирант ва олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган, балки кенг китобхонлар оммаси,фаол ва қизиқувчан ўқувчилар учун ҳам мўлжаллангандир ;

КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИГАН журналга - Ўзбекистондаги энг рангли ва сифатли нашр.

Журналнинг обуна индекси "Матбуот тарқатиш маркази" ЁАЖ каталогида келтирилган.

шахсий обуна бўлувчилар учун -957;
ташкилот ва корхоналар учун – 958;

Муқобил обуна агентлиги:
"Александр Маркет" – тел.:133-13-04;
"ARZI" –тел.: 136-08-41; факс:136-35-73;
"Мастер Пресс"-тел.: 133-40-10; факс: 136-35-73;

Қўшимча маълумотлар учун 67-06-05 , 67-93-13, телефонлар орқали, пейджер (088 )7005 Р.А.Тожихўжаевга мурожаат қилинг.

Реклама масалалари бўйича 100-48-35; пейжер: (088) 5456 орқали Ж. Алимбабаевга мурожаат қилинг.

Журналга исталган алоқа бўлимида обуна бўлиш мумкин




© CER Advertising

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1015, 17797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.05*
1 2 3 4 5 6